


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАК раиси


"29" 06 2019 йил

Б ва ИҚ каф. мудири


Н.А. Асатов
"29" 06 2019 йил

ТУШУНТИРИШ ҚИСМИ

Мавзу: Сирдарё вилояти Янгиер шахри марказида "XXI - аср чемпиони" ёшик болалар спорт комплексини лойиҳалаш

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ (ЛОЙИҲАСИ)НИНГ ТАРКИБИ

Тушунтириш қисми _____ 79 (етиш текши) бет
График қисми _____ 9 (саҳифа) варақ

Талаба:




Илашев Ахромжон

Диплом лойиҳаси раҳбари:



Жонузаков А.Э.

ҚИСМЛАР БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР:

1. Архитектура-қурилиш  Жонузаков А.Э.
2. Қурилиш конструкциялари  Алиев М.
3. Қурилиш жараёнлари технологияси  Мингяшаров А
4. Иқтисодий қисм  Сиддиқов М.
5. Ҳаёт фаолияти ва хавфсизлиги  Тиркашева М.
6. Экология ва атроф муҳит муҳофазаси  Тиркашева М.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

1. Рахмоновлов А
2. Жонузаков А

ЖИЗЗАХ-2019 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ
“БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ” КАФЕДРАСИ



БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ (ЛОЙИҲАСИ) БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Илашев Ахроржон Тўрабой ўгли
(фамиляси, исми, шарифи)

1. Битирув малаквий иши (лойиҳаси) нинг мавзуси: Сирдарё вилояти Янгиер шаҳри марказида “XXI - аср чемпиони” ёпиқ болалар спорт комплексини лойиҳалаш

“26” декабр 2018 й № 495-Т сонли институт ректорининг буйруғи билан тасдиқланган.

2. Битирув ишни топшириш муддати: 22 июнь 2019 й.

3. Битирув ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар:

Амалдаги лойиҳалаш ва қурилиш ишларини бажариш үчүн меъёрий ҳужжатлар, ўқув қўлланмалари ва битирув олди амалиётида тўпланган маълумотлар. Қурилиш ҳудуди: Жиззах вилояти, Гагарин шаҳри

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларнинг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати):

- Кириш
- Архитектура-қурилиш бўлими
- Қурилиш конструкциялари
- Қурилиш жараёнлари технологияси
- Иқтисодий қисм
- Ҳаёт фаолияти ва хавфсизлиги
- Экология ва атроф муҳит муҳофазаси
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Изоҳ: битирув малакавий иши тушунтириш ёзувининг ҳажми каминда 10-15 минг сўздан иборат бўлиш шарт.

Битирув малакавий иши (лойихаси)нинг график қисми таркиби:

- Қават режалари М1:100; 1:200;
- Кўндаланг ва бўйлама қирқимлар М1:100; 1:50;
- Конструктив режалар М1:100; 1:200;
- Бўйлама ва кўндаланг фасад М1:100; 1:200;
- Бош режа М 1:500; 1:1000;
- Алохида бирикмалар ва деталлар М1:10; 1:20;
- Конструкциянинг хисобий варағи М1:100; 1:200;
- Технологик карта М1:100; 1:200;

Изох: битирув малакавий иши график қисми 5-6 варақдан иборат бўлиш шарт.

5. Битирув иши бўйича маслаҳатчи(лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
			Топширик берилди	Топширик бажарилди
1.	Архитектура-қурилиш бўлими	Жонузақов А.Э.		
2.	Қурилиш конструкциялари	Алиев М.Р.		
3.	Қурилиш жараёнлари технологияси	Мингяшаров А.Х.		
4.	Иқтисодий қисм	Сиддиқов М.Ю.		
5.	Ҳаёт фаолияти ва хавфсизлиги	Туркашева М.Б.		
6.	Экология ва атроф муҳит муҳофазаси	Туркашева М.Б.		

6. Битирув ишини бажариш режаси

№	Бўлим мавзуси	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1.	Архитектура-қурилиш бўлими	14.01.2019-02.03.2019 й.	
2.	Қурилиш конструкциялари	04.03.2019-13.04.2019 й.	
3.	Қурилиш жараёнлари технологияси	15.04.2019-18.05.2019 й.	
4.	Иқтисодий қисм	20.05.2019-01.06.2019 й.	
5.	Ҳаёт фаолияти ва хавфсизлиги	03.06.2019-08.06.2019 й.	
6.	Экология ва атроф муҳит муҳофазаси	10.06.2019-22.06.2019 й.	
7.	Кафедрада ҳимоя	24.06.2019-29.06.2019 й.	

Битирув иши раҳбари:

Жонузақов А.Э.
(фамилияси, исми, шарифи)

(имзо)

Топширикни бажаришга олдим:

Илашев Ахроржон
(фамилияси, исми, шарифи)

(имзо)

Топширик берилган сана: 2018 йил 5-февраль

АННОТАЦИЯ

Ушбу битирув малакавий ишида “Сирдарё вилояти Янгиер шаҳри марказида “XXI - аср чемпиони” ёпиқ болалар спорт комплексини лойиҳалаш” мавзусини ишлаб чиқиш билан ёшларга кенг шароитлар яратилган замонавий марказ биносини бунёд этиш мақсад қилиб олинган.

Битирув малакавий ишини тайёрлашда битирув олди амалиётида йиғилган материаллар ва асосий адабиётлардан ташқари интернет сайтлари маълумотларидан фойдаланилган. Битирув ишини бажариш жараёнида шаҳарсозлик нормалари, жамоат бино ва иншоотлар ҳақида, реконструкция, реставрация, модернизация, ландшафт дизайни, худудларни ободлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳақида маълумотлар берилган. Шаҳарсозлик, қурилиш меъёрлари ва қоидаларидан чизмаларни бажаришда фойдаланилган. Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси қоидалари, экология, қурилишни иқтисодий баҳолаш муаммолари ёритилган.

Битирув малакавий иши қуйидаги бўлимлардан иборат:

- Кириш;
- Архитектура-қурилиш қисми;
- Қурилиш конструкциялари қисми;
- Қурилиш технологияси қисми;
- Қурилиш иқтисодиёти қисми;
- Ҳаёт фаолияти ва хавфсизлиги қисми;
- Экология ва атроф муҳит муҳофазаси;
- Хулоса;
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

МУНДАРИЖА

т/с	Бўлим номи	Бет
	КИРИШ	2
1-БЎЛИМ.	АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ҚИСМИ	6
1.1.	Лойиҳалаш учун бошланғич маълумотлар	6
1.2.	Лойиҳаланадиган бинода бўлиб ўтадиган функционал жараёнлар ҳақида маълумот	7
1.3.	Спорт-соғломлаштириш муассасаслари биноларининг ҳажмий-режавий ечимлари	7
1.4.	Очиқ спорт бинолари ва иншоотлари	13
1.5.	Ёпиқ спорт бинолари ва иншоотлари.	17
1.6.	Ёпиқ стадионлар ва универсал спорт заллари.	17
1.7.	Лойиҳаланаётган бинонинг конструктив элементлари, қурилиш ва конструктив тизими ҳақида маълумотлар	26
2-БЎЛИМ.	ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ҚИСМИ	30
2.1.	Қовурғали том ёпмисини ҳисоблаш	30
3-БЎЛИМ.	ҚУРИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ҚИСМИ	41
3.1.	Катлован қазихда бажариладиган ер қазих ишлари ҳажмини аниқлаш	41
4-БЎЛИМ.	ИҚТИСОДИЁТ ҚИСМИ	58
4.1	Қурилиш монтаж ишлари учун йиғма-ресурс смета ҳисоби	
5-БЎЛИМ.	ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ	65
5.1.	Қурилишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси.	65
5.2.	Меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий ва ташкилий масалалари.	65
5.3.	Монтаж ишларини бажаришда меҳнат хавсизлиги.	67
5.4.	Бетон ишларини бажаришда меҳнат хавсизлиги.	68
6-БЎЛИМ.	ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУХИТ МУХОФАЗАСИ ҚИСМИ	69
	ХУЛОСА	75
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	76

КИРИШ

Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори билан қишлоқ ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини юртимиздаги кўплаб обод ва бир-биридан файзли манзиллар мисолида кўриш мумкин. Республикамиз раҳбарияти иқтисодий юксалишларга эътиборни қаратиш билан бирга халқимизнинг маънавий ва маърифий томондан баркамол авлод бўлиб, етишишга, ҳар томондан соғлом бўлиб етишишга ҳам эътиборни бермоқдалар.

Республикамиз раҳбарияти иқтисодий юксалишларга эътиборни қаратиш билан бирга ёшларимизнинг маънавий ва маърифий томондан баркамол авлод бўлиб етишишга, ҳамда ҳар томонлама соғлом бўлиб етишишга ҳам катта эътибор бермоқдалар.

Зеро фарзандларимизни юксак билимли ва заковатли, жисмонан бақувват инсонлар этиб камолга етказишнинг бош омили – болалар спортини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бугунги кунда болалар спорти мамлакатимиз таълим – тарбия тизимининг узвий қисмига айланиб, ушбу соҳа билан мутонасиб равишда изчил ривожлантирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлди.

Зеро фарзандларимизни юксак билимли ва заковатли, жисмонан бақувват инсонлар этиб камолга етказишнинг бош омили – болалар спортини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бугунги кунда болалар спорти

мамлакатимиз таълим –тарбия тизимининг узвий қисмига айланиб, ушбу соҳа билан муносаиб равишда изчил ривожлантирилмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2015 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан болалар спортини иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурни амалга ошириш доирасида кўплаб намунавий спорт объектлари, сузиш ҳавзалари, мактаб спорт заллари фойдаланишга топширилди.

Уларнинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон спортчилари жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирларда кўплаб олтин, кумуш ва бронза медални қўлга киритишга эришдилар. Спортчиларимиз, айниқса, енгил атлетика, бадиий гимнастика, бокс, кураш, дзюдо, таэквондо, от спортини бўйича муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Кейинги йилларда Республикамизда спорт соҳасини ривожлантириш борасида кўплаб спорт иншоотлари бунёд этилди. Тошкент шаҳрида “Бунёдкор” футбол комплексининг бунёд этилиши архитектурада инновация бўлди деб эътироф этишимиз мумкин.

Шунингдек, Тошкентда “Локомотив”, Бекобод шаҳрида “Металлург”, Жиззах шаҳрида “Сўғдиёна” футбол стадионлари бунёд этилиши, кўплаб теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, миллий кураш саройларининг қурилиши давлат миқёсида спортга бўлган эътиборнинг мисолидир.

Биоларни, жумладан спорт биолари ва иншоотларини лойиҳалашда маҳаллий табиий – иқлимий шароитларини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Зеро, Ўзбекистон ҳудуди қуруқ иссиқ иқлимли ҳудуд ҳисобланади. Иссиқ ҳудуднинг табиий-иқлимий шароитлари, йил давомида иссиқ кунларнинг сонининг кўплигини инобатга олиб, турар-жой ва жамоат биолари деворларидан ташқарида жойлашган ёзги ҳажмлардан кенг фойдаланишни талаб этади. Шу билан бирга иссиқ иқлимнинг омиллари

маълум даражада инсон организмига салбий таъсир қилади ва уни ҳаёт фаолияти учун оптимал шароитлар яратишга мажбур қилади.

Бизнинг давлатимизда спорт ва спорт-соғломлаштириш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш ишларига ҳамма вақт умумдавлат миқёсидаги ишлар сифатида қараб келинган, лекин ҳақиқий миллийлик ва миллий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган, ёш авлодни ва комил инсонни тарбиялаб етиштирадиган спорт ва спорт-соғломлаштириш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш ишларига Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин эътибор қаратилди.

Ушбу факторни эътиборга олган ҳолда замонавий Спорт ва спорт-соғломлаштириш ни лойиҳалаш ишларини бажариш учун илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уларнинг бизнинг миллий қадриятларимизга мос келувчи жихатларини қабул қилиш фойдадан холи бўлмайди.

2.АРХИТЕКТУРА –ҚУРИЛИШ ҚИСМИ

2.1..Лойиҳалаш учун берилган дастлабки маълумотлар.

- | | |
|--|-----------------------------------|
| а) Қурилиш жойи | - Кармана шаҳри. |
| б) Спорт биносида шуғулланувчилар сони | - 36 нафар. |
| в) Пойдеворлар | - йиғма темирбетон конструкцияли. |
| г) Девор ва оралиқ деворлар | - майда ғишт-тош конструкцияли. |
| д) Ораёпмалар | - йиғма темирбетон конструкцияли. |
| е) Эшик ва дераза усти | |
| тўсинлари | - йиғма т/б конструкцияли. |
| ж) Эшиклар | - ёғоч ва пластик маҳсулотли. |
| з) Деразалар | - ёғоч ва пластик маҳсулотли. |
| и) Поллар: | |
| - спорт залида | - ёғоч конструкцияли. |

- жисмоний тарбия ўқитувчисининг хонасида - ёғоч конструкцияли.
- хожатхона ва ювиниш хоналарида - плиткали
- ички йўлакларда - мозаикали
- л) Зинапоялар - йиғма т/б конструкцияли.
- м) Том - чордоқли
- к) Тупроқнинг музлаш чуқурлиги - ер сатҳидан 60 см пастликда
- л) ер ости сувларининг сатҳи - ер сатҳидан 10-12 м. пастликда

2.2. Лойиҳаланадиган бинода бўлиб ўтадиган функционал жараёнлар ҳақида маълумот

Лойиҳаланадиган бинода бўлиб ўтадиган асосий функционал жараёнлар қуйидагилардан ташкил топади:

- ўқувчиларни спорт биносига қабул қилиш;
- ўқувчиларнинг спорт кийимларини алмаштириш;
- ўқувчиларни жисмонан етук даражага етиштириш йўлидаги ўқув-тарбиявий муносабатлар;
- ўқувчилар ва педагогик ходимлар орасидаги мулоқот.

Юқорида келтирилган ишлар ва функционал жараёнларни амалга ошириш ва ишловчиларнинг комфорт талабларини қондириш учун бинони совуқ сув, оқова сув ва иссиқлик тармоғи, турли хил мебеллар, оргтехника, хизмат кўрсатиш қурилмалари ва жихозлари билан таъминлаш талаб этилади.

2.3. Спорт-соғломлаштириш муассасалари биноларининг ҳажмий-режавий ечимлари.

Спорт иншоотларининг қурилиши бизнинг эрамыздан анчайин олдин бошланган. Қадимги Юнонистон ва Қадимики Римда у юқори даража ривожланишга етди. Бизнинг давримизгача етиб келган ва сақланиб қолган

кадимги спорт иншоотлари ўзининг кўлами, қурилиши ва муҳандислик конструкциялари ечими билан кишини лол қолдиради.

Спорт иншоотлари — спорт ўйинларини ўтказиш, спорт билан ёки жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун мўлжалланган, жумладан махсус инвентар билан жиҳозланган очик ёки тўсилган майдон, бино. Спорт ўйинларининг оммавий кўргазмалари ўтказиладиган спорт иншоотлари томошобинлар жойлари(трибуналар) билан жиҳозланади.

Спорт ва спорт – соғломлаштириш бинолари ўз фаолиятини алоҳида лойиҳаланган ва қурилган бино ва иншоотларда амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикасида спорт-соғломлаштириш муассасалари сифатида болалар учун мўлжалланган махсус спорт мактаблари, ўрта-махсус таълим муассасалари, олий таълим муассасалари, турли хил спорт ва соғломлаштириш клублари, ўқув машғулотларини олиб борувчи базалар ва бошқалар фаолият кўрсатадилар.

Умумий тартибда спорт-соғломлаштириш муассасаларини қуйида келтириладиган гуруҳларга ажратилади:

- спорт фаолиятига тайёрловчи махсус муассасалар;
- спорт фаолияти билан шуғулланувчи муассасалар;
- спорт-соғломлаштириш фаолияти билан шуғулланувчи муассасалар.

Спорт-соғломлаштириш муассасаларининг биноларни лойиҳалашда ШНҚ 2.08.02-09 “Жамоат бинолари ва иншоотлари”, ШНҚ 2.07.01-03. Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудининг ривожланиши ва қурилишини режалаштириш”да ва тегишли турдаги спорт-соғломлаштириш бино ва иншоотларини лойиҳалаш учун махсус ишлаб чиқарилган меёрий ҳужжатларда келтирилган талаблар ҳамда Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган барча лойиҳалаш ва қурилиш ишларини олиб бориш учун мўлжалланган меёрларга амал қилиш талаб этилади.

Спорт-соғломлаштириш муассасалари учун мўлжалланган ёпиқ спорт иншоотлари бир қаватли, икки қаватли ва кўп қаватли тарзда

лойиҳаланиши мумкин. Уларда қаватлар сони функционал-типологик талаблар, ёнғинбардошлик ва зизилабардошлик талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Спорт-соғломлаштириш муассасаларини лойиҳалашда асосий функционал жараёнлар борадиган хоналарни лойиҳалашнинг ички таянчлардан холи бўлган залли усулида, конструктив лойиҳалашда эса лойиҳалашнинг каркасли конструктив схемаси ҳамда кенг пролётлар учун мўлжалланган текис ва фазовий конструкциялардан фойдаланиш самарали йўлларида ҳисобланади.

Барча турдаги спорт-соғломлаштириш муассасалари ва комплекслари шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг селитиб ҳудудларида ёки шаҳарнинг чет ҳудудларида ажратилган махсус жойларда, боғлар, парклар ва кўкаламзорлаштирилган ҳудудларда жойлаштирилади. Барча спорт-соғломлаштириш муассасалари ва комплексларида асосий функционал жараёнлар жисмоний тарбия, спорт, ўқув машғулоти, соғломлаштириш ишларини олиб бориш, турли хил мусобақалар ўтказиш, спортчиларга, мусобақа қатнашчиларига ва томошабинларга турли хил шароитлар яратишдан иборатдир. Функционал жараёнлар спорт мусобақаларининг турлари ва хусусиятларини аниқлайди, спорт турлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда спорт учун мўлжалланган бино ва иншоотларнинг турлари, режалаш схемалари аниқланади.

Аҳоли яшаш пункти ёки шаҳарнинг спорт иншоотларига бўлган талаби асосан икки кўрсаткич бўйича аниқланади:

- шаҳар ёки аҳоли пунктида яшовчи 1000 киши сони нисбатига кўра;
- шаҳар ёки аҳоли пунктида спорт иншоотларини қуриш учун ажратилган участка майдонининг ҳажмига кўра.

Ўқув-машқ машғулоти, спорт-соғломлаштириш машғулоти, турли хил оддий ва профессионал спорт мусобақаларини ўтказиш амалиёти спорт фаолиятини олиб бориш ва мусобақаларни ўтказиш, спорт билан

шуғулланувчиларга, мусобақалар иштирокчиларига, судьяларга, спорт мусобақаларини ташкил этувчиларга ва нихоят томошабинларга сифатли шароитлар яратиш ва хизмат кўрсатиш учун спорт фаолияти учун мўлжалланган бино ва иншоотларини комплекс тарзида лойиҳалаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш самарали эканлигини кўрсатди.

Шаҳарсозлик талаблари ҳамда аҳоли яшаш пунктлари ва шаҳарларда спорт фаолиятини олиб бориш ва ташкиллаштириш муаммоларидан келиб чиқиб уларни аҳоли яшаш пунктлари ва шаҳарларда митти туманлар, туманлар, туманлараро ва шаҳар миқёсида лойиҳалаш ва қурилиш ишларини олиб боришнинг тармоғи қабул қилинган.

Аҳоли яшаш пункти ёки шаҳарларда ҳар 1000 киши учун алоҳида лойиҳаланадиган ва қурилиши амалга ошириладиган спорт иншоотлари ва комплексларининг майдонлари 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал 1.

Жойлашиш ўрни	Иншоот номи	Спорт заллари ва сув хавзалари (бассейн)нинг майдони (кв.м)		Ажратиладиган ер майдони (га)	
		Биринчи навбати	Кейинги ҳисобий муддатда	Биринчи навбати	Кейинги ҳисобий муддатда
Митти туман	Мактаб ёшигача бўлган болалар учун комплекс ўйин майдончалари	-	-	0,03	0,05
	Кичик мактаб ёшидаги бўлган болалар (1-4 синф ўқувчилари) учун комплекс ўйин майдончалари	-	-	0,04	0,06
	Мактаб ёшидаги ва катта ёшлилар учун спорт ўйинлари майдонлари	-	-	0,12	0,2

Яшаш туманининг спорт иншоотлари жойлашган жамоат маркази	Спорт иншоотлари комплекси	- 18	- 80	0,18 -	0,3 -
	Спорт заллари Очиқ сув ҳавзалари (бассейнлар)	5-10	26	-	-
Лойиҳаланадиган туманнинг спорт маркази	Спорт иншоотлари комплекси	- 6	- 25	0,14 -	0,14 -
	Спорт заллари	5	14	-	-
	Очиқ сув ҳавзалари (бассейнлар)	2	5	-	-
	Ёпиқ сув ҳавзалари (бассейнлар)				
Шаҳар ёки аҳоли яшаш пункти (посёлка) нинг спорт маркази	Умумшаҳар миқёсидаги спорт комплекси	- 12	- 45	0,11 -	0,11 -
	Спорт заллари Ёпиқ сув ҳавзалари (бассейнлар)	1,2-3,0	3,0	-	-

Ҳозирги замонавий спорт фаолиятига тайёрловчи, спорт-соғломлаштириш ишларини, спорт ўқув машғулоти ва машқларини олиб боровчи ҳамда спорт фаолияти билан шуғулланувчи муассасаларда бўлиб ўтадиган функционал жараёнлардан келиб чиқиб қуйидаги турлардаги спорт бинолари ва иншоотлари лойиҳаланади ва қурилиши амалга оширилади: очиқ ва ёпиқ турдаги стадионлар, турли хил йўналишдаги ва ҳажмдаги спорт саройлари, универсал спорт заллари, теннис кортлари, спорт ареналари ва манежлари.

Спорт-соғломлаштириш муассасалари учун мўлжалланган бино ва иншоотларни лойиҳалашда функционал жараёнлар мобайнида бажариладиган спорт турининг технологик хусусиятлари ва томошабинларни жойлаштириш, ички ва ташқи қурилмалардан бериладиган

юк ва юкламалар эътиборга олинмоғи лозим. Оғир ва енгил атлетика ҳамда футбол учун мўлжалланган залларни биринчи қаватда жойлаштириш лозим. Енгил атлетика учун мўлжалланган зал-манежлар ва футбол майдонларига албатта машиналар кириши таъминланган бўлмоғи лозим.

300 ва ундан ортиқ амфитеатрли томошабинлар ўрни (трибуна)га эга бўлган залларда полнинг баландлик даражаси ер усти иккинчи қавати полининг баландлик даражасидан юқори бўлмаслиги лозим.

Томошабинлар учун қурилган амфитеатрларнинг биринчи қатори олдида тўсиқлар лойиҳаланмоғи лозим, тўсиқлардан ўйин майдонларигача бўлган масофалар томошабинлар учун хавфсизлик даражаси ва ўйинлар технологиясидан келиб чиқиб аниқланади.

Алоҳида лойиҳаланиб қурилиши амалга ошириладиган очик спорт иншоотлари ўз таркибида қуйидаги махсус жихозланган майдонларга эга бўлиши лозим: асосий ўйин майдони, асосий ўйинга тайёргарлик кўриш учун кичик машқ майдони, югуриш йўлаклари, спорт турлари бўйича ўқув-машқ ва мусобақаларни ўтказиш жойлари. Лойиҳаланадиган майдонлар бир-бири ва алоҳида павилионларда жойлашган хизмат кўрсатиш ҳамда ёрдамчи бинолар билан ўзаро йўлақлар, тонеллар ёки махсус кўприклар билан боғланиши лозим. Барча спорт иншоотлари совуқ ва иссиқ сув, сув оқова тармоғи, сунъий ёритиш ситемаси, радио тармоғи, ёритилувчи табло, шархловчилар ва судьялар ҳамда томошабинлар учун жой билан таъминланиши лозим. Аниқ шароитлар ва спорт ўйинларининг ўтказилиш технологиясидан келиб чиқиб ўйин майдонлари табиий ёки сунъий қопламалар билан қопланади.

Қуриладиган барча спорт иншоотларининг атрофида хавфсизликни таъминлаш учун бўш ҳудуд қолдирилади. Бўш ҳудуддан сўнг кўкаламзорлаштирилган ҳудуд лойиҳаланади.

Спорт иншоотлари очик ва ёпиқ турларда лойиҳаланади.


Очик турдаги спорт иншоотлари таркибига очик спорт ядролари, очик спорт ареналари, стадионлар, спорт майдонлари комплекслари, спорт

базалари ва комплекслари, очик теннис кортлари, очик турда лойиҳаланган сув ҳавзалари (бассейнлар) ва х.к.лар киритилади.

Ёпиқ турдаги спорт иншоотлари таркибига ёпиқ ҳолда лойиҳаланган спорт ареналари, ёпиқ стадионлар, ёпиқ спорт манежлари, ёпиқ теннис кортлари, турли ҳажмдаги ёпиқ универсал спорт заллари, ёпиқ турда лойиҳаланган сув ҳавзалари (бассейнлар) ва х.к.лар киритилади.


2.4. Очик спорт бинолари ва иншоотлари

Спорт ядроси – бу ўзида енгил атлетика учун мўлжалланган айлана ёки эллипс шаклидаги баъзи жойларида сакраш ҳамда металл зўлдир ирғитиш жойларига эга бўлган югуриш йўлаги ичида спорт ўйинлари майдонини ўзида мужассамлаган текис иншоотдир.



Расм. Спорт ядроси

Спорт аренаси – бу амфитеатр шакли томошабинлар ўтириш жойи (трибуна)га эга бўлган спорт ядросидир.




Расм. Спорт аренаси

Стадион - бу ўзида амфитеатр шакли томошабинлар ўтириш жойи (трибуна)га эга бўлган спорт ядросини ҳамда турли хил спорт ўйинлари ўтказиш учун мўлжалланган ёрдамчи ҳудудлар ва хизмат кўрсатиш хоналарини ўзида мужассамлаган спорт иншоотлари комплексиدير.

Барча турдаги спорт ядролари икки хил ечимга эга бўлиши мумкин: марказий аренага эга бўлган иншоот ёки томошабинлар ўтириш жойи (трибуна)га эга бўлмаган фақат ўқув машқлари ва машғулотлар ўтказиш учун мўлжалланган текис иншоот.

Одатий ҳолларда спорт ядроси айлана ва тўғри чизиқли енгил атлетикачилар югуриши учун мўлжалланган йўлақлар, зўлдирни иргитиш ва сакраш учун учун мўлжалланган икки ёки тўрт сектор, тўсиқлар ошиб сакраш йўлаги ва хавфсизлик ҳудудидан ташкил топади.


Лойихаланадиган участка майдонларининг ўлчамлари қишки даврларда тезлик билан конки учиш йўлақларини қуриш талабларини ҳисобга олган ҳолда бажарилмоғи лозим.



Расм. Стадион

Ареналарни лойihalаш ишларини амалга оширишда амфитеатр шаклидаги томошабинларнинг ўринлари (трибуна) ларни лойihalашга алохида эътибор қаратилади. Трибуналар лойihalанишига қараб доимий (қимирлатилмайдиган) ёки кўзғолувчан (йиғиб олиниб қайта қўйиладиган) тарзда лойihalанади.

Қайси турдаги трибуналарни жойлаштириш усули спорт залининг лойihalанишидан, ўйин майдонларидан фойдаланиш режасидан келиб чиқиб танланади.



Расм. Стадионларда трибуналарни жойлаштириш схемалари

Уларнинг ечимлари қабул қилинадиган ўринлар сони ва трибуналар остида жойлаштириладиган хоналар сони, уларнинг ўлчамлари ва уларда

олиб бориладиган функционал ва технологик жараёнлардан келиб чиқиб аниқланади.

Катта миқдордаги томошабинларни жойлаштириш спорт ареналарининг режада оптимал шакллари танлаш ва кўришни тўсиқларсиз амалга оширишнинг юқори талабларини бажаришни талаб этади.

Амфитеатрли томошабинлар ўтириш жойи (трибуна)ларининг сиғимига қараб стадионлар 5,10 ва 20 минг ўринга мўлжаллаб лойиҳаланади.

Стадионларнинг бош режаларини лойиҳалаш функционал худудлаштириш принциплари асосида амалга оширилади. Лойиҳалашнинг икки тури мавжуддир: алоҳида бўлакланган ҳимояланган усул; бутун бир яхлит усул.

Стадионларни алоҳида бўлакланган усулларда лойиҳалашда стадион таркибида бўлган асосий арена ва бошқа спорт иншоотлари алоҳида ҳимояланиб уларнинг орасидан автомобил йўллари лойиҳалашга рухсат этилади, бутун бир яхлит лойиҳалаш усулида эса асосий арена ва бошқа спорт иншоотлари орасида автомобил йўллари лойиҳаланмайди барча спорт иншоотлари ўзаро ички йўлаклар, тоннеллар турли даражада жойлаштирилган йўл иншоотлари билан боғланади.

Биринчи усулнинг афзалликлари шундаки барча спорт иншоотларини шаҳарнинг транспорт тармоғи билан боғлаш ва транспорт воситалари билан спорт иншоотларига яқинлашиш икониёти туғилади, лекин иншоотлар жойлашган ҳаво ҳавзаси ифлосланади ва майдонлар шовқин ичида қолади, иккинчи усулда эса юқоридаги камчиликлар бартараф этилади, ҳаво ҳавзаси ва майдонларда тоза ҳаво муҳити ва осудалик таъминланади, аммо бутун стадион бўйлаб ҳаракатлар фақат белгиланган йўлаклар, тоннеллар ва бошқалар орқали амалга оширилиб транспорт ҳаракати минимал даражада камаяди.

2.4. Ёпиқ спорт бинолари ва иншоотлари.


Ёпиқ спорт бинолари ва иншоотлари катта томошабинлар миқдори иштирокида мусобақалар ўтказиш учун мўлжалланади. Бундай турдаги бинолар махсуслаштирилган (фақат бир спорт тури учун), кўп функцияли (спортнинг бир неча тури учун) ва универсал (мусобақалар, жамоавий ва томоша тадбирлари учун) тарзда лойиҳаланади.

2.5. Ёпиқ стадионлар ва универсал спорт заллари.

Ёпиқ спорт мажмуаларида асосий хона сифатида ареналарга эга бўлган спорт ядролари учун мўлжалланган заллар лойиҳаланади ва бошқа ёрдамчи ҳамда хизмат кўрсатувчи хоналар гуруҳлари уларга нисбатан қабул қилинади.

Аренанинг шакли, мўлжалланиши ва трибунадаги ўринлар сифимидан келиб чиқиб асосий залнинг шакли ва ҳажми аниқланади. Трибунанинг жойлашиши ва шакли биринчи навбатда кўриш учун қўйиладиган талаблар асосида қабул қилинади. Оптимал кўриш талабларидан келиб чиққан ҳолда томоша учун энг қулай жой бу арена марказий қисмининг қарши томони ҳисобланади, ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда трибунадаги асосий ўриндикларни аренанинг марказида жойлаштириш мақсадга мувофиқ саналади.

Ёпиқ стадионлар таркибига катта спорт аренасига эга бўлган спортнинг бир неча тури бўйича (футбол, шайбали хоккей, енгил атлетика, регби ва х.к. лар, спортнинг 28 туригача) мусобақалар ўтказиладиган иншоотлар киритилади.



Расм. Ёпиқ стадион биноси

Универсал спорт заллари таркибига кичик спорт аренасига эга бўлган спортнинг бир неча тури (спортнинг 15 туригача) бўйича мусобақалар ўтказиш ҳамда жамоавий ва маданий тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган иншоотлар киритилади.


Хоккей ва муз устида ўтказилиши мўлжалланган спорт турлари (фигурали учиш, конкида югуриш) ҳамда санъат тадбирлари (муз устида балет) учун мўлжалланган катта ареналар поллари устида муз майдонлари ҳосил қилинади.

Спорт ядроларининг шакли, спорт ядросида жойлашган ўйин майдонларининг ҳажми, тузилиши ва оптимал кўриш талабларидан келиб чиққан ҳолда амфитеатр шаклидаги томошабинларнинг ўтириш жойлари (трибуна) ни лойиҳалашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- ✓ эллипис кўринишли.
- ✓ тўғри бурчакли;
- ✓ айлана;

Залда жойлаштирилган томошабинларнинг ўринлар сифимидан келиб чиққан ҳолда томошабинлар жойларини бир томонлама, икки томонлама ва спорт ядросининг ҳамма томонидан жойлаштириш мумкин.

Бир томонлама жойлаштиришда залнинг ҳажмидан келиб чиқиб томошабинлар ўринлар сони 4-5 минг атрофида, икки томонлама жойлаштиришда 20 минггача, спорт ядросининг ҳамма томонида жойлаштирилганда эса 20 мингдан зиёд қабул қилиш мумкин.




Расм. Эллипс кўринишли спорт ядросига эга бўлган спорт саройи режаси

Кўп функцияли (ёрдамчи иншоотлари билан) мўлжалланган ёпик спорт иншоотларини спорт корпуслари деб аташ қабул қилинган. Лойиҳаланишига қараб спорт корпуслари бир залли ёки кўп залли тарзда лойиҳаланади.


Бир залли спорт корпусларида ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи биноларига нисбатан асосий зал баланд ва ҳажмли лойиҳаланади, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бино асосий залга ёнбош тарзда лойиҳаланади.

Кўп залли спорт корпуслари асосий ҳолларда турли хил спорт турлари учун мўлжалланади. Кўп залли спорт корпусларининг ўлчамлари ва қаватлар сони худди бир залли бинолардагидек қабул қилинади. Лойиҳалашнинг амалий усулларида келиб чиқиб кўп залли спорт корпусларининг ёрдамчи, хизмат кўрсатиш ва коммуникацион хоналарини марказий тарзда лойиҳалаш самарали ҳисобланади.


Кўп қаватли спорт залларини ҳажмий-тархий режалаш турличадир. Ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш бинолари спорт залларига нисбатан кўп қаватли ёнбош қурилган биноларда ёки бинонинг биринчи қаватларида жойлаштирилиши мумкин. Ечиниш ва душ хоналари асосий спорт заллари атрофида жойлаштирилади.




Расм. Тўғри бурчак кўринишли спорт ядросига эга бўлган спорт саройи
режаси




Расм. Айлана кўринишли спорт ядросига эга бўлган спорт саройи
режаси



Расм. Спорт корпусларининг ҳажмий-режали ечимлари



Расм. Уч зали спорт корпусининг жойлаштириш схемаси




Расм. Уч зали спорт корпусининг жойлаштириш схемаси

Функционал жараёнларда катта ҳажми талаб этмайдиган ва юқори баландликка эга бўлмаган спорт залларини (қиличбозлик, кураш, стол тенниси ва х.к.) умумий хоналар жойлаштирилган биринчи қаватнинг

устида жойлаштириш мумкин. Функционал жараёнларда ҳажмли ўйинларни ўтказиш учун мўлжалланган юқори баландликка эга бўлган залларни бир каватли тарзда лойиҳаланади.

Универсал спорт залларда снаряд ва инвентар хоналари спорт заллари билан биргаликда лойиҳаланмоғи лозим. Уларининг пол сатҳи даражалари спорт зали поли сатҳи даражаси билан бир хил (остоналарсиз) лойиҳаланади. Снаряд ва инвентар хоналарининг майдонлари технологик талаблардан келиб чиққан ҳолда 12x24 м ўлчамли заллар учун 15 кв.м., 30x18 м ўлчамли заллар учун 21 кв.м. қабул қилинади.

Ёпиқ теннис кортлари бир ёки бир неча асосий ҳамда ўқув машқ машғулотлари учун мўлжалланган заллардан ташкил топиши мумкин. Кортлар бир ёки бир неча ўйин майдонларга эга бўлади. Ўйин майдонлари залда ўзаро бир-бирига нисбатан бўйлама ёки параллел жойлашиши мумкин.



Расм. Ёпиқ теннис кортининг ҳажмий-режали ечими

Ёпиқ теннис кортларининг ўлчамлари ўйин майдонларининг ўзаро жойлашишидан келиб чиқиб 36x36 ва 40x40 м ўлчамларда қабул қилинади.

Енгил атлетика учун манежлар ўқув машқлари ва мусобақаларни ўтказиш учун мўлжалланади. Манежлар одатда асосий залдан ташкил


топади, баъзи ҳолларда манежларда кичик ўқув-машқ заллари ҳам лойиҳаланиши мумкин. Манежларда поллар сувга чидамли маҳсулотлардан ишланади. Ёпиқ манежларда спорт ядросининг ўлчами 126x30 м дан кам қабул қилинмайди. Томошабинлар сони катта бўлмаганда уларни балконларда ёки манежнинг узун томони бўйича лойиҳаланган 2-3 қаторли скамейкаларда жойлаштирилади. Залнинг периметри бўйича жойлашган ёпиқ югуриш йўлининг узунлиги 160-200 м, кенглиги 4 м қабул қилинади.

Ҳоккей, фигурали учуш ва муз устида балет томошалари ўтказиладиган бинолар –бу, ёпиқ яхмалакли майдонлар (крытие катки) деб аталади. Бундай турдаги биноларнинг хизмат кўрсатиш блоклари билан биргаликда лойиҳаланган ҳажмий-режали ечимлари самарали деб ҳисобланади. Бундан ташқари асосий зал ва хизмат кўрсатиш блокларини биргаликда катта пролётли бир қаватли бино ва унинг атрофида ёнбош тарзда қурилган биноларда жойлаштириш ҳам самарали ечимлардан ҳисобланади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳоккей майдони зали, ёрдамчи ўқув-машқ зали ва ёрдамчи хоналар (ечиниш, душ, қуритиш, санитар шахобчалар, артистлар хонаси, гримёрлик ва х.к. лар) асосий хоналар гуруҳи таркибига киритилади. Юқоридагилардан ташқари умумий мўлжалланишга эга бўлган тиббий хоналар, вестибюль, буфет, тренерлар хоналари ва х.к.лар ҳам лойиҳаланмоғи лозим.

Ўзида бир ёки бир неча чўмилиш ёки сув спорти мусобақаларини ўтказиш учун мўлжалланган сув ҳавзалари (ванналар) ҳамда уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бинолар ёки иншоотлар комплексига эга бўлган ҳудудлар бассейнлар деб аталади. Лойиҳаланишига қараб бассейнлар очик ёки ёпиқ тарзда лойиҳаланади. Очик ҳаво остида жойлаштирилган бассейнлар очик турдаги бассейнлар деб аталади. Уларни ёзги ва қишки даврда усти ёпилиб суви иситиладиган бассейнлар турларига ажратилади. Функционал мўлжалланиши бўйича бассейнлар қуйидаги турларга ажратилади : спорт учун (ўқув-машқ ва мусобақалар учун), ўқув

(ўқув мақсадлари учун), чўмилиш учун (аҳолини соғломлаштириш учун), махсус (болалар, сувга сакраш ва х.к.).



Расм. Ёпиқ яхмалакли майдон (крытие катки) га эга бўлган спорт саройининг бош режаси

Бассейнларни лойиҳалашда умумий талаблардан ташқари юқори миқдордаги санитария-гигиена талаблари ҳам қўйиладигани, улар: ваннадаги сувга, бассейннинг санитар ҳолатига, бинонинг микроклиматига қўйиладиган талаблардир.

Очиқ бассейнларни лойиҳалашнинг хусусиятли томони шундаки бассейннинг сув хавзаси, трибуна, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш бинолари худдуда эркин жойлаштирилади. Жойлаштиришнинг ушбу усули бассейн худудини ўқув, сувга сакраш, болалар учун ва х.к. худудларга ажратиш имконини беради.

Ёпиқ бассейнларни лойиҳалашнинг асосий хусусияти шундан иборатки функционал жараёнлар олиб бориладиган барча хоналар гуруҳини турли хил даражадаги баландликлар ва қаватларда жойлаштириш мумкин. Хонадаги микроклиматнинг хусусиятидан келиб чиқиб спортчилар учун душдан ваннагача, ваннадан ечиниш хоналаригача бўлган йўлларнинг қисқа вариантларини танламоқ лозим. Ёпиқ бассейнларнинг шакли ва ўлчамлари унинг ичидаги ванналар сони, ўлчамлари ва жойлашишидан, сувга сакраш қурилмалари ва трибунанинг бор йўқлигидан келиб чиқиб аниқланади.


Сувга сакраш курилмалари ва трибуналар лойиҳаланмаган узунлиги 50 м гача ваннага эга бўлган бассейн залларининг баландлигини 6 м дан, узунлиги 25 м гача бўлган ваннага эга бўлган залларнинг баландлиги 4, 2 м дан, узунлиги 18 м гача бўлган ваннага эга бўлган ўқув машқлари ва соғломлаштириш учун мўлжалланган залларнинг баландлиги 3,6 м дан кам қабул қилинмайди.

Узунлиги 50 м гача бўлган ванналарнинг иккала бўйлама томонида камида учтадан, узунлиги 50 м гча бўлган ванналарда камида 2 тадан сувга тушиш зинапоялари лойиҳаланмоғи лозим, майдони 100 кв. м. гача бўлган ванналарда бир дона сувга тушиш зинапоялари лойиҳалашга рухсат этилади.

Очиқ бассейнларнинг периметри бўйлаб кенглиги 1,5 м бўлган, ёпик ванналар атрофидан кенглиги 2,0 м бўлган юриш йўлаклари лойиҳаланиши лозим. Йўлакнинг юзаси сирпанмайдиган махсулотлардан лойиҳаланиши лозим, йўлак ванна томонига қараб 0,01-0,02 фоиз қияликка эга бўлмоғи лозим. Йўлак атрофи скамейкалар билан жихозланади.

Ечиниш хоналарининг майдони ҳар бир ечинувчи учун 1 кв.м. миқдорида қабул қилинади. Ечиниш хонасида шкафлар (0,3x0,5 м), ўтирғичлар, қараш учун ойна, қўл ювиш тоси ва ер устида турувчи тарозилар кўзда тутилмоғи лозим.

Душ кабинларининг ўлчамлари 1,6x1,6 м ўлчамда очиқ тарзда, душ кабиналари орасида йўлаklar билан қабул қилинади.



Расм. Очиқ спорт бассейнининг жойлаштириш схемаси.

Ёрдамчи хоналарнинг баландлиги, полдан юк кўтарувчи конструкцияларнинг чиқиб турган қисмигача қуйидагича қабул қилинади:

- вестибюллар, ечиниш хоналари, массаж, дам олиш, савдо ва хизмат кўрсатиш, устоз-инструкторлар, услубий кабинетлар, тиббий хона, омборхоналар, инвентар хоналари ва х.к. ларда - 2,7 м;
- судьялар хонасида - 2,4 м;
- устки кийимлар гардероби, ўқув машқлар кийимлари гардероби, устки ва оёқ кийимларини қуришиш хонаси, тоғ учиш трассаларининг бошланғич ва финиш қисмларида жойлашган кублар, касса ва х.к. хоналарда - 2,4 м.


Спорт-соғломлаштириш муассасаларида ошхона, буфет ёки кафелар лойиҳалаш топшириғи бўйича лойиҳаланади ва қурилиши амалга оширилади.

1.7. Лойиҳаланаётган бинонинг конструктив элементлари, қурилиш ва конструктив тизими ҳақида маълумотлар

Лойиҳаланаётган бинода конструктив элементлари қуйидагилардан ташкил топади:

ПОЙДЕВОР - лойиҳаланаётган бинона тасмали темирбетон конструкциялардан лойиҳаланган. Баъзи бир қисмларда уларни кучлантириш ва мустаҳкамлигини ошириш ҳамда темирбетон яхлит синч конструкцияни жойлаштириш ва қўллаш мақсадида яхлит ёки яхлит йиғма тарзда ишланган. Пойдевор конструкцияси учун тўшама сифатида Ф-12 маркали тўшама турлари ишлатилган тушаманинг эни 1200мм узунлиги 2380мм ва баландлиги 300мм. Лойиҳаланган бинодаги пойдеворлар учун ФСН-6 маркали блоклар қабул қилинган. Блокларнинг эни 500мм, баландлиги, 600мм узунлиги 1180мм. Барча пойдеворлар тўшамаси ва пойдевор блоклари ўзаро кесишмаган чоклар усули билан ҳосил қилинган

пойдевор тўшамаларини монтаж қилишдан олдин бинолар асоси тупрок таркибига майда қум тошли маҳсулотларни киритиб преслаш йўи билан мустаҳкамланган. Блоклар тушамаларига ва ўзаро бир бирига териш учун бўйлама ва кўндаланг чоклар 200 маркали семент қумли қоришмадан ишланган. Йиғма пойдеворлар маркаси 200-100 кг с/см ёки В-10-20 синф бетонлардан тайёрланади. Умумий массаси 3 т-гача бўлиши мумкин



ДЕВОРЛАР — ўз вазифасига ва жойлашишига кўра ички ва ташқи тўсиқ, яъни хонани ташқи муҳит таъсиридан ҳимояловчи ёки хоналарни бир-биридан ажратиб турувчи элементлар.

Деворлар юк кўтарувчи ва юк кўтармайдиган турларга бўлинади. Юк кўтарувчи деворлар юқорида жойлашган конструксиялар, жиҳозлар, мебеллар ва шу кабилардан тушадиган оғирликни кўтариб туради. Ҳам ички, ҳам ташқи деворлар юк кўтарувчи бўлиши мумкин. Биноларни кичик-кичик хоналарга ажратувчи тўсиқ (парда) деворлар юк кўтармайдиган ҳисобланади. Бундай деворлар, одатда, пойдеворсиз бўлади. Тўсиқ вазифасини ўтовчи деворлар пойдеворларга ёки пойдевор тўсинига таяниб, ўзини кўтариб турувчи ва устунларга илинган осма деворлар тарзида ҳам бўлиши мумкин. Биз ички деворларни 120мм ташқи деворларни 380ммли гишт-тош конструкциядан фойдаланмиз

Лойихаланаётган бинонинг конструктив эчими қўйидаги тартибда қабул қилинган. Лойихаланаётган бино бўйлама деворли конструктив схемага эга юк кўтарувчи сифатида лойихаланган деворлар А,Б,В,Г ўқлар бўйича жойлаштирилган.

Бинонинг зина пояси 1-2, 4-5 ўқлар бўйича кўндаланг равишда жойлаштирилган. Юк кўтарувчи деворлар орасида лойихаланган.

Ишлаш характери бўйича А.Б.В,Г ҳамда 1-2, 4-5 ўқлар юк кўтарувчи, 3 кўндаланг ўқлар бўйича жойлаштирилган деворлар ўзининг оғирлигини қабул қилувчи ва хоналарни булувчи девордир. 120 мм ли қалинида ишланган қолган деворлар ҳаммаси ўзининг оғирлигини узатувчи.

Ораёпмалар.Қаватлараро ёпмалар — бинонинг ички бўшлиғини қаватларга бўлади ва устунларга махсус маҳкамланган ригел ёки «прогон хари» дейилувчи тўсинларга ётқизилади, айрим ҳолларда эса тўғридан-тўғри устунга маҳкамланади. Қаватлараро ёпмалар доимий ва вақтинчалик юкларни кўтариш билан бирга деворларни ўзаро боғлайди, уларнинг устиворлигини лаъминлайди ва бутун бинонинг фазовий бикрлигини оширади.

Оралиқ ёпмалар бинода жойлашган ўрнига қараб қуйидагича бўлади:

- ертўла усти ораёпмаси (биринчи қаватни ертўладан ажратиб туради);
- қаватлараро ёпмалар (бинони қаватларга ажратади);
- чордоқ ёпмаси (тепа қаватни чордоқдан ажратади).

ТОМ - бино конструкциясини ва хоналарни атмосфера ёғин - сочинлари ва бошқа хилдаги салбий таъсирлардан сақлайдиган конструкция. У тепа қават ёпмаси, чордоқли ва чордоқсиз ёпма ҳамда том ёпмасидан иборат бўлади. Чордоқ — бинонинг тепа қавати ёпмаси билан том ёпмаси орасида жойлашган бўшлиқ қисмдан иборат. Биз чордоқли шамоллатилмайдиган томни қабул қиламиз. Том қопламаси шифер билан ёпилган.

Поллар — турли асосларга, масалан, кўпинча лагаларга, темир-бетон ёпма панел устидан ёки «подвал»сиз биноларда биринчи қаватнинг остига тўғридан-тўғри зах ўтказмайдиган асос устига ўрнатилади.

Полнинг энг юқори қатлами қоплама ёки ҳақиқий пол деб аталади.

Пол материали олдиндан тайёрланган юза сатҳига ўрнатилади. Бунда тагига солинган текисловчи қатлам бетондан, стемент-кум қоришмасидан, асфалтдан ёки гипсдан иборат бўлиши мумкин.

Қаватлараро ораёпмада пол асоси бўлиб, ораёпма кўтарувчи конструкция ҳисобланади. Бунда тагига солинадиган бетон қатлами бўлмайди. Пол конструкциясига товуш ўтказмайдиган, иссиқлик ва сув ўтказмайдиган қатламлар қўшимча бўлиб кириши мумкин. Бинонинг вазифасига ва ишлаб чиқариш жараёнлари характерига кўра поллар пишиқ бўлиши, иссиқни кам ўлказувчи сирпанмайдиган, хўлланганда шишмайдиган, кўриниши чиройли, чанг олмайдиган, юрганда товуш чиқармайдиган, осон тозаланувчан, индустриал ва арзон бўлиши керак.

Зинапоялар — бино қаватларини ўзаро боғлайди ва одамларни бинодан эвакуастия қилиш вазифасини ҳам бажаради. У зина маршлари ва зина майдончаларидан иборат бўлади.

Зинапоя мустахкам, ўтга чидамли ва фойдаланиш учун қулай, ҳамда хавфсиз бўлиши керак. Зинапояннинг баландлиги 130 дан 180 мм гача, эни 270 дан 320 мм гача булиши керак. Куплаб турар-жой бинолари қуришда йиғма темир бетон зиналар йирик элементлар маршлар ва супачалардан монтаж қилинади.

Дераза ва эшиклар

Эшиклар — хоналарни бир-бири билан боғлайди, шунингдек, хонага кириш ва ундан чиқиш йўли ҳисобланади. Улар девордаги ёки парда девордаги эшик ўрни, эшик қутиси (кесақиси) ва табақасидан иборат бўлади.

Асосий эшикларни ДО21-13 $h=2000$ $b=1200$ мм, хожат ва ювениш хоналарини ДО21-13 $h=2000$ $b=700$ мм килиб қабул киламиз.

Деразалар — хоналарга ёруғлик, қуёш нури тушиши ҳамда хоналарни шамоллатиш учун хизмат қилади. Улар дераза ўрни, дераза кесақиси ва дераза табақаларидан иборат.

Деразаларни ОС15-12 $h=1500$ мм $b=1200$ мм қабул киламиз.

2. ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ БЎЛИМИ

2.1. Қовурғали том ёпмасини ҳисоблаш

Қовурғали том ёпмасини ҳисоблаш ва конструкциялаш талаб этилади.

Панелнинг режадаги номинал ўлчамлари 6X3 М

Тақрибан таъсир этадиган юкларни ҳисоблаймиз.

Жадвал №2

Т/р	Юклар	Норма q_H	Ўтказ коэф	Ҳисоб юк q
1.	Сув ўтказмайдиган ўрам	120	1,3	1,56
2.	Цемент қатлами $t = 200\text{мм}$	400	1,2	480
3.	Пенобетон	480	1,2	576
4.	Пар қатлами	40	1,2	48
5.	Қовурғали панель	2500	1,1	2750
	Жами:	$q_H = 4165$		$q = 4700$
6.	Вақтинчалик			
	қисқа вақтли $P_{кр}$	2000	1,2	2400
	узоқ давом этувчи $P_{гл}$	5000	1,2	6000
	жами:	$P_{кр} = 7000$		$p = 8400$
	жами юк:	11165		13100

Панель ребросини А III-класдаги стерженлардан пайвандланган каркас сифатида лойихалаймиз.

Юк ва кучланишларни аниқлаймиз:

1п/м панелга тушадиган юк, ферманинг кенглиги $b = 25\text{м}$ бўлганда

$$l_0 = l - \frac{b}{2} = 6 - \frac{0,25}{2} = 11,875\text{м}$$


Бу ҳолда панелнинг ҳисобий схемаси тенг тақсимланган юкланиш кўринишини олади, яъни

Ҳисобий таъсир этувчи моментларни аниқлаймиз.

Жами ҳисобий юкланишни қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$M = \frac{ql_0^2}{8} = \frac{(14,1 + 25,2) \cdot 11,8^2}{8} = 648 \text{KN} \cdot \text{м};$$

